



МАЊАВИЯТ - МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТ ДИАЛЕКТИКАСИ

*Toхир Курбонов,
Қарши давлат университети доценти*

Аннотация: Мазкур мақолада жамият трансформацияси шароитида миллий менталитетдаги ўзгаришлар, унга таъсири, унинг бугунги инсон тафаккурида шаклланиши жиҳатлари таҳтил этилган. Миллий тараққиётимизга хизмат қиласиган ҳалқимизнинг урғодатлари, тили, дини, руҳияти, қисқача айтганда, дунёқарашни ва тафаккури илмий асосда очиб берилган.

Калим сўзлар: менталитет, миллий менталитет, миллат турмуши тарзи, жамият, жамият трансформацияси, “мањавият - миллий менталитет”, миллий онг, маданий мерос, инсонпарварлик, миллат, жамоа.

Аннотация: В данной статье анализируются изменения национального менталитета в контексте изменений в обществе, его влияние на формирование мышления современной личности. На научной основе раскрываются традиции, язык, религия, психика, словом, мировоззрение и мышление нашего народа, служащие нашему национальному развитию.

Ключевые слова: менталитет, национальный менталитет, образ жизни нации, общество, трансформация общества, «духовность - национальный менталитет», в сознание, культурное наследие, гуманизм, нация, коллектив

Abstract: This article analyzes the changes in the national mentality in the context of chanGES in society, its influence on the formation of the thinking of a modern person. Traditions, language, religion, psyche, in a word, the worldviyew and thinking of our people, which serve our national development, are revealed on a sciyyentific basis.

Key words: mentality, national mentality, way of life of the nation, society, transformation of society, "spirituality-national mentality", national consciousness, cultural heritage, humanism, nation, collective

Жаҳонда содир бўлаётган фундаментал ўзгаришлар барча мамлакатларни, шу жумладан Ўзбекистонни ҳам қамраб олмоқда. Хусусан, умумсайёравий тараққиёт тенденциялари таъсирида жаҳон ҳамжамиятига шиддат билан қўшилиб бораётган Ўзбекистон жамиятининг барча соҳалари янгича характер касб этаётир. Айни пайтда турли миллат вакилларининг тафаккур тарзи, қадриятлари тизими, онг ва фаолият нормалари ўзгармоқда. Асрлар давомида шаклланган миллий менталитет янгича элементлар, хусусиятлар билан бойимоқда.

Умуман олганда, миллий менталитет билан боғлиқ масалалар алоҳида диққатга сазовор. Чунки, бир томондан, у жаҳонда, мамлакатда содир бўлаётган ижтимоий жараёнлар таъсирида ўзгариб борса, иккинчи томондан, ушбу ижтимоий жараёнларнинг ўзига акс таъсири кўрсатади.

Бирок, Ўзбекистонда жамият трансформацияси шароитида миллий менталитетнинг ўзгариши билан боғлиқ масалаларни таҳтил этиш ва ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, иқтисодий ўзгаришлар нафақат миллат турмуш тарзини, балки менталитетини ҳам ўзгартирувчи омил саналади. Лекин илмий адабиётларимизда мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг миллий менталитетга таъсири ҳанузга қадар жиддий ўрганилмаган.

Мустақиллик йилларида миллатимиз мисли қўрилмаган мањавият тикланиш жараёнларни бошидан кечирди. Мањавиятдаги янги тенденциялар миллат тафаккур тарзининг мутлақо янгича характер касб этишига олиб келмоқда. Бинобарин, “мањавият - миллий менталитет” контекстидаги масалаларни ҳам тадқиқ этиш зарурияти мавжуд.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар билан бирга, мањавият ва маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи – мањавиятдир. Биз Янги Ўзбекистонинг





барпо этишда ана шу иккита мустаҳкам устунга, яъни бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиётга ҳамда аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва умуминсоний ғояларни мужассам этадиган кучли маънавиятга таянамиз. Шу мақсадда “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепциясини амалга оширамиз”¹⁴².

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бораётгани миллат менталитетига таъсир ўтказадиган янги омил ва воситаларни юзага келтирди. Мазкур омил ва воситаларни аниқлаш, улар таъсирида миллий менталитетдаги ўзгаришларни таҳлил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш жараёнлари миллий менталитетимизга хос бўлган иллатларни ижтимоий илм позициясидан қатъий констатасия қилиш, уларни бартараф этиш йўлларини излаб топишни тақозо қилмоқда.

Мулоҳазалардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда жамият трансформацияси шароитида миллий менталитетнинг ўзгариши билан боғлиқ муаммо фундаментал ва долзарб характерга эга.

Мустақилликка эришгандан кейинги йиллар - миллий онг ва маънавиятда юз бериши муқаррар бўлган ўзгаришлар, ижтимоий жараёнлар ҳамда муносабатлардаги ислоҳотларнинг чуқур илдиз ота бориши билан изоҳланади. Умумаҳамиятга эга бўлган ижтимоий идеаллар ва мўлжалларнинг реал заминига таяниши, истиқбол режаларининг аниқлиги янги жамиятнинг миллий асосланган жараёнлари ўзагида тараққий эттириш имкониятларини кенгайтиради.

Мустақиллигимиз ҳаммамизга мамлакатни ялпи соғломлаштириш, миллий бир бутунликни таъминлаш, маънавий яхлитликни юзага келтириш масаласини кун тартибига қўяди. Бугунги кун мантиғи халқимиз феъл-атвори, менталитети ўзгаришларига жиддий эътибор қаратишга ундейди.

Табиийки, ҳар бир миллатнинг ақлий ва руҳий қиёфаси ўзига хос тарихий этник ва табиий иқлимий шарт-шароитлар доирасида шаклланганлиги боис, унинг реал ҳаёт воқеаларига, ижтимоий-сиёсий ҳодисаларга бўлган муносабати ҳам турлича бўлиши шубҳасизdir. Зоро, миллий ўзига хосликлар, халқнинг характерли белгилари узоқ асрлар мобайнида муайян ижтимоий-иқтисодий, табиий-жуғрофий, шарт-шароитлар, сиёсий вазиятлар, диний мансубликлар, бошқа миллатлар билан ҳамкорликлар, жанг жадаллар ва осудалик ҳолатлари негизида таркиб топади. Менталитетни баъзи боғлиқ ҳодиса сифатида талқин этиб, аҳолини сиёсий бошқаришнинг қулай омили деб қарайдилар, айрим олимлар (А.Панарин, И.Пантин) эса менталитет халқнинг руҳий-ақлий ҳолатини якуний маҳсулидан ўзга нарса эмас, деб тушунадилар. Шунингдек мазкур тушунча миллатнинг муайян урф-одатлари, марака-маросимлари йиғиндиси деб қарап ҳам мавжуддир.

Менталитет юқорида кайд этилган хусусиятлардан ташқари миллатнинг ақлий-интеллектуал имкониятлари ва руҳий-психологик ўзига хосликларни ҳам ўз мазмуни доирасида қамраб олади. Характердаги ўзига хосликларнинг негизини эса шу халқнинг тарихий тажрибалари, урф-одатлари, маросим ва маъракаларининг яхлит тизими ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, улар менталитетнинг харакатлантирувчи кучлари вазифасини ўтайди.

Бугунги ўзбек менталитети бозор муносабатлари ҳамда ҳозирги замон ахборот технологияларининг устуворлиги даврида яна қандай муҳим хусусиятларга эга бўлиши зарур. Ўзгараётган замон ва янгиланаётган макон дунё халқлари феъл-атвори тизимида, саъй-харакатларда тезкорлик, топқирлик ва айни чоғда ҳар бир ишда режалилик, пухта тайёргарлик, фахм-фаросат, муаммоларни ҳамкорлик асосида ҳал этиш хусусиятларининг ривож топишини тақозо этмоқда. Шунингдек, шахс ва жамият, шахс ва давлат муносабатлари тизимида алоҳида субъектлар – инсонлар ролининг бениҳоя ошиб бориши кузатилмоқда.

Шахснинг жамиятдаги ўрни тобора қатъийлашиб, унинг бевосита ўз имкониятлари орқали ёки муайян жамоа, гуруҳ воситасида ижтимоий ҳаётга кўрсатувчи таъсири ортиб

¹⁴² Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг иннаугурациясидаги маърузаси. 2021 йил 6 ноябрь.





бормоқда. Маълумки, айни даврдаги демократик тартиботлари Фарб дунёсида туғилган ҳодисадир. Ҳозирги пайтда дунё ҳалқлари ҳаётига сингдирилаётган демократия тамойиллари Фарбий Европа ҳалқларига мос бўлган турмуш тарзининг ифодасидир.

Бутун дунёда юз бераётган глобаллашув жараёнлари муштарак қисми сифатида намоён бўлаётган ғарбона демократлашув Шарқ ҳалқлари ҳаётига муайян қийинчиликлар орқали томир отмоқда. Бу йўлда ҳар бир давлат ўзига хос мураккабликлар даврини ўтишига, баъзан эса кутилган натижаларнинг мутлақо тескари ҳолатларига рўпара бўлиб қолишига ҳам тўғри келмоқда.

Мамлакатимизда яшовчи турли миллат ва элатлар вакилларини “Янги Ўзбекистон – ҳалқчил ва инсонпарвар давлат” олийжаноб мақсад атрофида бирлаштиришда ўзбек миллий менталитетига хос бўлган хусусиятларини, моҳиятини ифодаловчи энг асосий қўрсаткичлар: миллий онг, миллий манфаат ва миллий эҳтиёж, миллий ғурур, инсон миллий ҳис туйғуларини аниқловчи мезонлар тўғрисида пухта билимга, аниқ ва тиниқ тасаввурга эга бўлишлари лозим. Шунингдек, миллийлик ва байналмиллийлик орасидаги диалектик алоқадорлик механизмини тушунмоқ зарур. Мамлакатимиздаги миллатлараро муносабатларда, миллийлик ва байналмиллийликнинг уйғунлашувини инсон қундалик фаолиятидаги қўринишларда алоҳида эътибор қаратиш керак. Шунга кўра мамлакатимизда яшовчи барча миллатлар, элатлар манфаати ва эҳтиёжлари ўз ифодасини топиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бугунги тараққиётнинг мана шундай ўзига хос хусусиятларини теран ҳис этиб, буюк мақсадлар билан яшаётган ҳалқимизнинг интилишларига мос келадиган 2022-2026 йилларда мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини қабул қилиниши фикримизнинг исботидир. Қабул қилинган фармонида мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойdevor бўлди, ҳалқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги қунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Миллатнинг руҳи, унга мансуб кишиларнинг бир-бирига ва дунёга айтадиган сўзи, миллатнинг ўтмиши ва меросини ифода қилиш, мақсад ва истакларини баён этиш услуби бу миллатнинг тилидир. Ҳатто миллат ишлатаётган сўзларни таҳлил қилиб ҳам шу миллатнинг тарихий тақдири ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида хulosasi чиқариш мумкин. Жаҳон - миллатни, миллатга мансуб бўлган кишиларнинг маънавияти, аҳлоқи ва нафосати каби жиҳатлари орқали танийди ва баҳолайди. Кишилар ўзаро муносабатга киришашётганда миллатнинг менталитети, аҳлоқи ва маънавий хусусиятлари ўз ифодасини топгани сингари, ҳалқаро муносабатларда ҳам бундай хусусиятлар муҳим аҳамият касб этади. Худди шунинг учун ҳам, ўзбек миллий менталитетига хос бўлган асосий хусусиятлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистонда ҳалқимиз маънавий яхлитлигини сақлаб қолиш, ўзлиқдан чекинмаслик, соф инсоний фазилатларга таяниб иш тутиш асосида истиқболга интилиш сиёсати изчил олиб борилмоқда.

Бинобарин, эндиликда давлат ўз вазифаларини ҳокимиятни кучайтириш ҳисобига эмас, аксинча, демократик омилларни кенгайтириш ва кенг ҳалқ оммасини бошқарувга жалб этиш йўли билан амалга оширимоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла иили”даги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида ифода этилганидек,





“Инсон қадри учун” деган тамойил ва “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган даъватга қўшимча қилиб, “Раҳбарлар фақат давлатга эмас, инсон ва оиласа, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши керак”. Шунинг учун ҳар бир мутасадди маҳалла ва туман ҳаётини ипидан игнасигача билиш шарт.

Улуг аждодларимиз айтганидек, раҳбар халққа юк бўлмаслиги, аксинча, халқнинг юкини елкасига олиши керак. Агар қайсики раҳбар даврнинг бу ўткир талабини тушунмаса, уларни энди халқимиз ҳам, ҳаётнинг ўзи ҳам қабул қилмайди¹⁴³ эзгу ғоянинг, энг аввало, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш ҳамда фуқаролар ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг реал ҳимоя қилинишини таъминлаш орқали ҳаётга амалий татбиқ этилишига қаратилди.

Ўзгаришлар руҳи одамларнинг ҳаётга бўлган қарашлари, ёндашувлари, мақсад ва режалари, саъй-ҳаракатлари мазмуни, ижтимоий мўлжалларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу нарса миллатимиз вакилларининг ижтимоий ҳаракатчанлиги ошганлигига ҳам кўринади. Агар илгари хорижда бўлиб келиш одамлар учун фавқулодда бир ҳол саналган бўлса, бугунги кунда чет элда ишлаш, ўқиши, яшаш одатий бир воқеага айлангани барчага аён. Бу эса мамлакатимизда демократик тартиботлари чукур илдиз отаётганлиги, эркин ва очик жамиятга айланиб бораётганлигимизнинг ёрқин ифодасидир.

Хуллас, миллий менталитетдаги ўзгариш мамлакатимизда амалга оширилган улуғ бунёдкорлик ишлари натижасида халқимиз тафаккур тарзи ўзгариб, унинг менталитетида ўз ифодасини топиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли Фармони.
2. Мирзиёев Ш.М. – Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: - Ўзбекистон, 2021. – 464 б.
3. Мирзиёев Ш.М. - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 29 йиллигига бағищланган тантанали маросимдаги маъruzasi. – Т.: -Ўзбекистон, 2021.
4. Мирзиёев Ш.М. Таңқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: - Ўзбекистон. – 2017.– 1026.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: - Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: - Маънавият, 2008.–176 б.
7. Хоназаров Қ. Миллий менталитет-тараққиёт омили. // Мулоқот,- 2000-, №3.-,Б. 3.
8. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. Тошкент. 2001.- 95 б.

¹⁴³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг иннаурациясидаги маъruzasi. 2021 йил 6 ноябрь.

